

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ МЕҲНАТ БОЗОРИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Нажимадинов Равшанбек Душамбоевич,

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг катта ўқитувчиси

E-mal: ravshanbek071975@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада меҳнат бозори ва қишлоқ меҳнат бозорида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг натижалари таҳлил қилинган, долзарб вазифалар ва муаммолар ўрганилган ҳамда ёритиб берилган. Шунингдек, қишлоқ меҳнат бозорини бошқаришнинг асосий тамойиллари ва иқтисодий механизмлари бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: меҳнат бозори, ишчи кучи бозори, қишлоқ меҳнат бозори, бошқариш, ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги рақобат, тамойиллар, механизмлар, танқислик, ортиқчалик, тартибга солиш, ишсизлик, аҳоли бандлиги, бандлик муаммоси.

Кириш

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аҳолини иш билан таъминлашга янгича ёндашувлар зарур бўлиб, шунингдек, бу соҳадаги жаҳон амалиётига ва ўз тажрибамизга баҳо бериб ўтиш лозим. Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги ўзгаришлардан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришнинг соҳавий янгиланиши, бозор тизими ва уларнинг инфратузилмасини шакллантириш билан боғлиқдир. Қишлоқ меҳнат бозорини бошқаришнинг асосий мақсади барча меҳнатга лаёқатли аҳолини ёппасига меҳнат мажбурияти тамойили бўйича ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилиш шарт эмас.

Қишлоқ меҳнат бозори инфратузилмаси ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги самарали ўзаро муносабатларни таъминлаш, мазкур бозорга кириб келаётган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, самарали ва эркин танланадиган иш билан

бандлик турларини рўёбга чиқариш тамойилини амалга оширишга қаратилгандир. Бу эса иқтисодий ва ижтимоий харажатларни камайтириш мақсадида қишлоқ меҳнат бозорини бошқаришни кўзда тутди. Ушбу харажатлар бир қатор ҳолларда - аҳолининг айрим табақалари турмуш даражасининг пасайиши, инфляция жараёнлари натижасида, ишсизликнинг пайдо бўлиши, меҳнат кўникмасининг сусайишида намоён бўлади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат бандлик соҳасидаги ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда бозор муносабатларини бошқариш функцияларини ўз зиммасига олиши шартдир.

Ўзбекистон Республикасида “Меҳнат Кодекси” ва “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунлар ҳамда Давлат дастурлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар меҳнат бозоридаги муносабатларни бошқаришнинг ҳуқуқий асосини ташкил қилади. Бу жараёнда ҳуқуқий меъёрлардан ташқари, бозор муносабатлари шароитида қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг ташкилий тамойиллари, турли мулкчилик шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги асослаб берилган, фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқаришда давлат томонидан бериладиган кафолатлар белгилаб берилган.

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, бундай меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистонда илк бор ишлаб чиқилди, унда фуқароларнинг ихтиёрий эркин танланадиган бандлиги, мақбул иш, ишсизлар, ишсизлик нафақалари, мувофиқлаштирувчи қўмиталар, давлат бандлик хизмати ва шу каби бир қатор янги тушунча ва мезонлардан фойдаланилди. Фуқароларнинг бандлиги тушунчаси қонунга хилоф бўлмаган шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ бўлган ва одатда иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолият тури сифатида берилган. Кодекс ва қонунларда фуқароларнинг ишлаб чиқариш ва ижодий меҳнатдаги ўз қобилиятларини эркин тасарруф қилиш бўйича мутлақ ҳуқуқларга эга эканликлари, қонунларда ман этилмаган ҳар қандай фаолият билан, шу жумладан ҳақ тўланмайдиган (болаларни тарбиялаш, уй хўжалигини


юритиш, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш, жамоат ишлари) фаолият турлари билан шуғулланишлари мумкинлиги таъкидлаб ўтилган.

Кодекс ва Қонунларда нафақат иш танлаш эркинлиги ва меҳнатнинг ихтиёрийлиги тасдиқланган, балки меҳнатга маъмурий мажбурлашнинг исталган шаклига (қонунчиликда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари) йўл қўйилмаслиги қонуний белгилаб қўйилган. Инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқининг ўзи эса давлат манфаатларидан ёки ижтимоий эҳтиёжлардан қатъий назар, ўз фаолият турини эркин танлаш ҳуқуқи сифатида талқин қилинади. Айни пайтда фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ истак -хоҳишларига доир ҳуқуқлари анча кенгайтирилган. Ва аксинча, илгари белгиланган ёппасига меҳнат мажбурияти ва унга риоя қилмаганлик учун кўриладиган жазо чора - тадбирлари бекор қилинади. Хуллас, қонунда фуқарога меҳнат соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида мутлақо янги ёндашув, янгича қарашга асос солинган.

Қишлоқ меҳнат бозорида юзага келаётган вазиятнинг мураккаблигига, ишчи кучига бўлган таклифнинг талабдан устунлигига қарамай, ушбу туб ўзгаришлар туфайли ҳуқуқий механизм асосида меҳнат муносабатларини бошқариш, қишлоқ меҳнат бозорига кўрсатиладиган босимни юмшатиш имконияти юзага келади. Айни пайтда қабул қилинаётган қонунлар ва бандликка оид дастурлар меҳнат бозорини бошқаришнинг энг умумий муаммоларинигина ўз ичига олади.

Меҳнат бозорини аҳолининг барча табақалари тўлдирмайди, уларнинг маълум бир қисми меҳнат бозорини четлаб ўтиб, ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлади, касбий таълим тизимида ўқийди. Меҳнат бозоридаги, иш қидираётган ва бандлик хизматига мурожаат қилаётган аҳолининг амалдаги сони иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасига, бозор муносабатларига ўтиш суръатларига, ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни бошқаришга қаратилган давлат сиёсати, меҳнатга лаёқатли аҳолининг фаолият турлари бўйича тақсимооти ва бошқа омилларга боғлиқдир.

Ҳуқуқий механизмлар негизида ижтимоий – иқтисодий бошқарувда самарага эришиш учун қишлоқ меҳнат бозорини бошқаришнинг ўзига хос асосий тамойилларини ҳисобга олиши лозим. Бизнингча, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш даврида қишлоқ меҳнат бозорини бошқариш ўзаро бевосита боғлиқ бўлган иш берувчи ва ёлланиб ишловчини моддий манфаатдорлаштириш, ишчи кучини мустақил ёллаш, ишчи кучини эркин таклиф этиш, бандлик хизмати объектларини мувофиқлаштириш, ишчи кучига талаб ва таклифни мувозанатлаштириш, ишсизларни ижтимоий ҳимояланишини кафолатлаш каби асосий тамойилларга асосланади (1- расм).



Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган.

1-расм. Қишлоқ меҳнат бозорини бошқаришнинг асосий тамойилларини ўзаро алоқадорлиги

Юқорида қайд этилган асосий тамойиллар ҚМБ бошқаришнинг қуйидаги **асосий иқтисодий механизмларини** амалиётда қўллаш асосидагина муҳим қарорлар қабул қилишга бевосита таъсир кўрсатади (2-расм).

Қишлоқ меҳнат бозорини бошқариш-нинг асосий иқтисодий механизмлари **иқтисодий усуллар, иқтисодий муносабатларни бошқариш механизмлари ва бошқариш воситалари** орқали амалга оширилади.

Иқтисодий усуллар ва воситалар иқтисодий муносабатларни бошқаришга бевосита таъсир кўрсатади. Унда ҳал қилувчи таъсирни молия ва кредит механизмлари амалга оширади. Булар эса ўз навбатида қишлоқ жойлардаги ишчи кучларини самарали иш билан бандликни таъминлашга бевосита таъсир этади.

Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш йўли билан иқтисодий тузилмаларни янгилаш иқтисодиётни модернизациялаштиришда иқтисодий бошқарувнинг характерини ўзгартириш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ҳамда қўшма корхоналарнинг ривожлантирилиши ишчи кучини иқтисодиётнинг бир тармоғидан бошқасига қайта тақсимланишига, давлат тармоғидаги улушининг камайишига олиб келади.

Бундай шароитларда чекланган талабли бозорга ўтишда қишлоқ меҳнат бозорида ташкилий харажатларнинг ортиши муқаррардир, у қуйидаги омилларни ўз ичига олади:

- маҳаллий ишчи кучи бозорларининг ёпиқлиги;
- малакали ва касбий ишчи кучи таркибининг хўжалик юритишнинг янги шароитларидаги иш жойларининг малакавий ва касбий таркибига тўғри келмаслиги;
- ишчи кучининг ўтроқлиги (касбий, таълим ва ҳудудий);
- чекланган талабли қишлоқ меҳнат бозори шароитларида ишга жойлашиш тизимининг яхши йўлга қўйилмаганлиги;
- аҳолининг чекланган талабли бозордаги бандлик шароитларига тайёр эмаслиги ва бошқалар.


Қишлоқ меҳнат бозорини иқтисодий бошқаришдаги **ташкилий харажатларнинг ўзгариши ишчи кучининг танқислиги ва ортиқчалигига таъсир кўрсатади**. Ушбу харажатлар кўпайган сари ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги

номутаносиблик ортади, шунинг учун ҳатто бўш иш жойлари сони кўпайган тақдирда ҳам ортиқча ишчи кучи сони кўпайиб кетиши мумкин.

Қишлоқ меҳнат бозори инфратузилмасини бошқаришнинг истиқболли йўналишларидан бири бандлик хизматининг ижтимоий ҳамкорлик негизида "ижтимоийлашуви"дир. Бу меҳнат соҳасидаги воситачиликни ташкил қилиш, ишсизларни ишга жойлаштириш ва нафақалар тўлаш, бандлик хизматини бошқаришга тааллуқлидир.

Натижада касбий - меҳнат мобиллигини кўллаб - қувватлаш асосида, шу жумладан бандликни қайта тузилмалаш жараёнларини ташкилий -молиявий таъминлаш, ишдан бўшатишган кадрларни касбий ўқитиш ва қайта тайёрлаш шаклларини такомиллаштириш, касаба уюшмалари ва тадбиркорлар бирлашмалари билан мувофиқлашувни кучайтириш ҳисобига қишлоқ меҳнат бозорини бошқаришни ижтимоий – иқтисодий ва ташкилий самарадорлигини ошириш мумкин бўлади.

"Innovations in Science and
Technologies"



2-расм. Қишлоқ меҳнат бозорини бошқаришининг асосий иқтисодий механизмлари ва уларни ўзаро алоқадорлиги чизмаси

Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган.

Хулоса ва таклифлар

Шундай қилиб, тадқиқотлар натижалари асосида республикамизнинг танланган туманлари қишлоқ ёшларини иш билан таъминлашни бошқаришнинг асосий тамойиллари ва иқтисодий механизмларининг асосий кўрсаткичларини ўрганувчи янги ахборотлар фонди ҳосил қилинди.

Улар меҳнат ресурслари билан кўп ва кам таъминланган қишлоқ ҳудудларидаги аҳоли, асосан ёшларнинг иш билан таъминлашни бошқаришнинг асосий тамойиллари ва иқтисодий механизмларини шакллантиришга йўналтирилган тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқишда муҳим ахборот манбалари бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармонининг 1-илоvasи «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» // www.lex.uz.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 199-сонли қарори // www.lex.uz

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 октябрдаги 824-сон қарори билан “Ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитиш минтақавий марказларида ўқишга қабул қилиш, касб-хунарга ўқитиш тартиби тўғрисидаги низом”и. // www.lex.uz.

5. Мирзиёев Ш.М. Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. - Тошкент: 2018 йил. <http://president.uz/uz/lists/view/1331>.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Меҳнат бозорида талаб юқори бўлган малакали кадрларни касбга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 394-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2019. //www.lex.uz.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил, 25 январь.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли Фармони. //www.lex.uz.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сонли Фармони. //www.lex.uz.